

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР НОМИДАГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ГЕОГРАФИЯ КАФЕДРАСИ

Қўлёзма ҳуқукида

МАТКОМИЛОВА САРВИНОЗ НЕЪМАТ ҚИЗИ

ГЕОГРАФИЯДА СТАНДАРТ ВА НОСТАНДАРТ ТЕСТЛАРДАН
ФОЙДАЛАНИШ (“Жаҳон урбанизацияси” мавзуси мисолида)

5140600-география таълим йўналиши бўйича бакалавр академик даражасини
олиш учун ёзилган

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар:

География фанлари номзоди,
доцент Р.Б.Қодиров

Андижон - 2017

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
-------------------	----------

БИРИНЧИ БОБ. ГЕОГРАФИЯ ФАНИДАН ТЕСТЛАР ТУЗИШ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МЕТОДИКАСИ.....	6
---	----------

1.1. Тестларнинг келиб чиқиши ва амалиётга жорий этилиши.....	6
---	---

1.2. География фанидан тестлар тузиш ва улардан фойдаланишга қўйилган услубий талаблар.....	8
--	---

1.3. Географик тестларнинг турлари, уларнинг қўлланилиши ва аҳамияти.....	11
--	----

ИККИНЧИ БОБ. СТАНДАРТ ВА НОСТАНДАРТ ТЕСТ САВОЛЛАРИ («ЖАҲОН УРБАНИЗАЦИЯСИ» МАВЗУСИ МИСОЛИДА).....	22
---	-----------

2.1. Стандарт тест саволлари.....	25
-----------------------------------	----

2.2. Ностандарт тест саволлари.....	26
-------------------------------------	----

2.3. Глоссарий.....	49
---------------------	----

ХУЛОСА.....	53
--------------------	-----------

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	55
--	-----------

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимиз таълим тарбия тизимининг ҳозирги даврдаги асосий вазифаси баркамол ёш авлодни ватанпарвар, миллий истиқлол ғояларига садоқатли, замонавий билим, кўникма ва малакаларни пухта ўзлаштирган ҳамда жамиятда ўзининг муносиб ўрнини эгаллашга қодир бўлган баркамол шахсларни тарбиялаб етиштиришдир.

Халқимизнинг шундай эзгу мақсадларини рўёбга чиқариш йўлида мустақилликка эришганимиздан сўнг таълим-тарбия сифати ва самарадорлигини замон талаблари даражасига кўтариш давлат сиёсатининг устивор йўналишларидан бирига айланди. Бунинг учун давлат умуммиллий дастури доирасида барча шароитлар яратилди.

Бугунги кунда илм-фан, техника ва ишлаб чиқариш соҳаларининг тез суръатларда жадал ривожланиши барча таълим муассасаларида таълим-тарбия сифатини мазмун жиҳатидан янги босқичга кўтаришни талаб этмоқда.

Шунинг учун мамлакатимиз таълим тизимида жаҳон тажрибасида синаб кўрилган турли таълим воситаларидан ва янги педагогик технологияларнинг хилма-хил усулларида кенг фойдаланилмоқда.

Таълимнинг мана шундай энг муҳим воситаларидан бири тест саволлари тизимидир.

Мактаб ўқув дастурларига киритилган барча фанларни ўқитишда ўқувчиларга пухта билим ва тарбия беришда, уларнинг дарслардан олган билим, кўникма ва малакаларини синаб кўриш ҳамда мустаҳкамлашда тест саволлари тизимидан фойдаланиш беқиёс аҳамиятга эгадир[III, 25].

Тест саволларидан фойдаланишнинг аҳамиятли томонларидан бири шундаки, улар ёрдамида қисқа вақт давомида ўқувчиларнинг жуда кўп мавзулардан олган билимларини синаб кўриш ва аниқлаб олиш мумкин бўлади.

Тест саволларининг шундай афзалликлари туфайли ҳозирги кунда улардан фақат дарс жараёнларидагина эмас балки, ўқувчиларни синфдан-

синфга кўчириш ва битириш имтиҳонларида, олимпиада ва билимлар беллашуви мусобақаларида, педагог-ходимларни ва бошқа кўплаб касб эгаларини билим савияларини синаб кўришда ва аттестациялардан ўтказишда ҳамда, ўқувчиларни коллеж, лицей ва олий ўқув юртларига қабул қилиш имтиҳонларида ҳам кенг фойдаланилмоқда.

Мавзунинг илмий янгилиги. Мазкур ишда илк маротаба география фанида стандарт ва ностандарт тестлар тузиш бўйича илмий-услубий ишланма тайёрланди. Ишда қуйидаги жиҳатлар илмий янгилик сифатида “Жаҳон урбанизацияси” мисолида ҳимояга олиб чиқилмоқда:

- географик тестларнинг турлари, уларнинг қўлланилиши ва аҳамияти ҳақида маълумотлар берилди;
- география фанидан тестлар тузиш ва улардан фойдаланишга қўйилган услубий талаблар танқидий кўриб чиқилди;
- ностандарт тест саволлари тузиш бўйича намуналар “Жаҳон урбанизацияси” мавзуси мисолида берилди;
- стандарт ва ностандарт тест саволлари, уларнинг ўртасидаги тафовутлар, қўлланилиши ва уларнинг ижобий томонлари ёритилди.

Мавзунинг ўрганиш объекти ва предмети. Тадқиқот *объекти* сифатида география дарсларида стандарт ва ностандарт тестлар тузиш ҳамда уларга хос хусусиятлар танланди.

География дарсларида стандарт ва ностандарт тестлар тузиш, уларни тузиш методикаси, қўлланилиши, ижобий ва салбий жиҳатлари каби масалалар унинг *предмети* ҳисобланади.

Мавзунинг ўрганиш методлари. Мазкур ишни бажаариш жараёнида картографик, статистик-математик, таққослаш, баланс, тизимли, гуруҳлаш, тизим-таркиб методларидан фойдаланилди.

БМИ нинг таркибий тузилиши. БМИ кириш, икки боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ҳажми 57 бет.

Биринчи бобда тестнинг пайдо бўлиши, келиб чиқиши, амалиётга тадбиқ этилиши, география фанидан тестлар тузиш, улардан фойдаланишга кўйиладиган методик талаблар, географик тестларнинг турлари, уларнинг қўлланилиши баён этилган.

Иккинчи бобда стандарт ва ностандарт тест саволлари “Жаҳон урбанизацияси” мавзуси мисолида берилган. Бу қисмда ўқувчиларнинг географик билимлари, дунёқараши, тасаввурларидан келиб чиққан ҳолда тестлар тузилган. Стандарт ва ностандарт тестлар мисолида ўқувчилар ўзларига тегишли билим ва кўникмага эга бўладилар. Улардан қайси бири энг мақбул вариант эканлигини танлаб оладилар. Бу эса танланган мавзунинг ўқувчиларда қизиқишини орттиришига хизмат қилади.

БИРИНЧИ БОБ. ГЕОГРАФИЯ ФАНИДАН ТЕСТЛАР ТУЗИШ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МЕТОДИКАСИ

1.1. Тестларнинг келиб чиқиши ва амалиётга жорий этилиши

Тест инглизча сўз бўлиб, “синаш, текшириш” деган маъноларни англатади. Тест топшириқнинг стандарт формасидир. Тестлар сўзли ёки расмли кўринишларда ифодаланади. Улар орқали синалаётган кишиларнинг ақлий, иродавий сифатлари, билим, малака ва кўникмаларини текшириш усули инсоният тарихидаги қадимий ҳодисалардан бири ҳисобланади. Қадимий Хитойда фуқароларни турли амалдорлик лавозимларига тайинлашда тест синовларига яқин бўлган усуллардан фойдаланилган.

Тестларнинг назарий асосларини 1883-йилда инглиз психологи Франсис Галтон ишлаб чиққан. Тест терминини 1-март 1890-йилда Америка Қўшма Штатлари психологи Жеймс Кеттел қўллаган. У тестлар ёрдамида психологик нуқтаи назардан инсон танасига таъсир этувчи қўзғатувчи омилларни идрок қилиниши вақтини, рефлекс тезлигини, реакция муддатларини, терига таъсир ўтказишда ҳосил бўлувчи оғриқ сезгиларини ҳамда ҳарфлар қаторини эсда олиб қолиш даражаларини аниқлаш мумкин, деб ҳисоблаган. Шунингдек, у коллеж ўқувчиларининг интеллектуал даражаларини аниқлаш учун ҳар йили қўлланиладиган кўплаб туркумли тестларни яратган[III., 25].

Кейинчалик франсуз психологи А.Бине ва унинг шогирди Т.Симонлар инсоннинг ақлий ўсиши ва истеъдод даражаларини тестлар ёрдамида ўлчаш имкониятлари мавжуд деган ғояни илгари сурганлар. Шундан кейин ақлий тестлар назарияси кенг қўлланила бошлаган. Шу асосда кейинчалик маълумотларни статистика методлари ёрдамида ҳисоблаб чиқиш усуллари юзага келган.

1898-йилда АҚШ да тестлар бир неча олий юртига кириш имтиҳонларида синаб кўрилиб, абитуриентлар учун ўрта мактаб дастурлари асосида ягона тест тизимини яратиш зарурлиги ҳақида хулосага келинди.

1900-йилда айрим нодавлат ташкилотлари ва университетлар ташаббуси билан коллежларга қабул қилиш бўйича имтиҳон кенгаши, 1947 йилда эса таълимни ривожлантириш бўйича Карнеги жамғармаси ҳамда коллежларга қабул қилиш бўйича имтиҳон кенгаши томонидан педагогик тест топшириш хизмати ташкил этилган[I., 26].

Ҳозирги кунда АҚШ, Буюк Биритания, Нидерландия, Франция, Дания, Канада, Австралия, Финландия, Исроил, Япония, Янги Зеландия каби ривожланган мамлакатлар тест ўтказиш бўйича етакчи ҳисобланади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, мамалакатимиз таълим тизимида ва бошқа кўплаб соҳаларда тестлардан фойдаланиш кенг йўлга қўйилди.

Мамлакатимизда олий ўқув юртларига қабул имтиҳонларида тестлардан фойдаланиш усули Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори билан 1992-йилда амалиётга жорий қилинди. Ушбу фармон таълимнинг тубдан ислоҳ қилиш ва демократлаштириш жараёнини бошлаб берди ҳамда, олий ўқув юртларига қобилятли ёшларни танлаб олишда ижтимоий адолатни таъминлай бошлади. Ўзбекистон таълим тизими йилдан-йилга хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаларини ўзига сингдириб, миллий анъана ва минтақавий ўзига хосликларни ҳисобга олгани ҳолда ривожланиб бормоқда. Илғор мамлакатлар тестлаштириш тизимининг бир ва икки вариантли моделлари ҳамда универсал саволлар китобчаси билан боғлиқ тестлар тизими мамлакатимизда янада ривожлантирилди[II., 4].

Шунингдек, юқори даражада махфийликни муҳофаза қилиш, ёшларнинг билим ва ақлий даражасини баҳолашда аниқликни таъминлаш учун 1996-йилда тестларнинг кўп вариантли тизими ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди. Давлат тест маркази ташкил этилиб, тестларнинг кўп вариантли технологияси ҳамда яхлитлашган автоматлаштириш тизимининг дастурлари Ўзбекистон Республикаси давлат патент идораси томонидан 30 дан ортиқ муаллифлик гувоҳномалари билан ҳимояланди. Кўп

вариантли тест натижаларининг таҳлили ўқув фанларини чуқур ўзлаштириш даражаси, унинг бўлимлари бўйича олинган билимларнинг пухта ва мустаҳкамлигини изчил кузатиш, таълим жараёнини тубдан такомиллаштириш имкониятларини яратиб берди.

1.2. География фанидан тестлар тузиш ва улардан фойдаланишга қўйилган услубий талаблар

Турли фанлардан тузиладиган тест саволлари аввало тестлар муаллифининг илмий дунёқарашини, билим савияси даражасини ва руҳиятини ўзида ифодалайди.

Тестлар муаллифининг дунёқараши қанчалик кенг ва билим савияси қанчалик юқори бўлса, унинг тузган тест саволлари ҳам илмий жиҳатдан мукамал ва услубий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлади. Шунинг учун тестлар тузиш ва улардан услубий мақсадда фойдаланишдан аввал ўқитувчи етарли билим ва талаб даражасида илмий ва услубий маълумотларга эга бўлиши, тестларнинг моҳияти, вазифаси ва аҳамиятини яхши тушуниши лозим.

Тест саволларини ўқувчиларга пухта билим бериш ва бу билимларни мустаҳкамлашнинг муҳим воситаси сифатида кўра олиш керак.

Психологик жиҳатдан тест саволларига жавоб топиш жараёнида ўқувчиларда кучли руҳий ҳиссиёт – эмоция пайдо бўлади. Уларда ўз билимларини намоёниш этишга, илмий салоҳиятларини синаб кўришга бўлган катта қизиқиш ва иштиёқ уйғонади, ҳамда тестлар асосида ўқувчиларда ҳосил бўлган билимлар уларнинг хотираларида узоқ вақт сақланиб қолади. Агарда ўқувчи айрим тест саволларига жавоб топа олмаса ҳам, уларни топиш учун албатта изланади. Шунинг учун тест саволлари ўқувчилар билишлари зарур бўлган энг муҳим илмий маълумотлар асосида тузилиши ва бу тестлар мавзулардаги энг муҳим илмий маълумотларни

ўқувчилар хотираларида муҳрланиб қолишига, мавзулар моҳиятларини тўғри тушуниб етишларига ҳамда билим савияларини юксалишига ёрдам бериши лозим[III., 3].

Тест саволлари илмий жиҳатдан тўғри, аниқ ва тушунарли тарзда тузилиши, савол-жавоб жумлалари имло қоидалари асосида ўзаро мос келиши ҳамда услубий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлиши шарт. География фани бўйича тестларни тузишда имкон қадар рақамли, статистик маълумотлардан камроқ фойдаланиш, асосан ўқувчиларни мантикий фикрлашга ундайдиган, географик қонуниятларини ўзида ифодаладиган, энг муҳим географик тушунчалар, атамалар ва харитавий маълумотлар моҳиятини ўқувчиларга етказа оладиган тестларни тузишга эътибор бериш ҳамда улар асосида ўқувчиларда географик савияни, географик маданиятни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Ўқитувчи ўзининг иш фаолиятида тест саволларидан самарали фойдаланиш ва яхши натижаларга эришиш учун, ўтилган мавзулар маълумотлари бўйича кундалик жорий назорат жараёнида, чораклар якунидаги оралиқ мажбурий стандарт назорат жараёнида, йирик боблар асосидаги такрорлаш жараёнида, шунингдек, ўқув йили якунидаги йиллик якуний назорат жараёнларида ўқувчиларнинг дарслардан олган билимларини аниқлаш ва мустаҳкамлашда қандай тестлардан қайси вақтда ҳамда, қандай усулда фойдаланишни олдиндан пухта ўйлаб, белгилаб олиши керак [III., 4].

Шунинг учун ўқитувчи мактаб географияси курсларининг барча мавзулари бўйича тузилган етарли даражадаги тест саволлари тўплами ёки “Тестлар банки” га эга бўлиш керак.

Кундалик жорий назорат жараёнларида ўтилган мавзулар асосида тузилган тестлар орқали навбати билан ҳар дарсда бир неча ўқувчиларнинг билимларини тез-тез ва такроран синаб бориш орқали синфлардаги барча ўқувчиларнинг билим савияларини орттириб боришга эришиш мумкин.

Чунки ўқувчи биринчи галда жавоб топа олмаган тест саволига кейинги гал албатта жавоб топиш учун изланади. Шу тарзда ўқувчиларнинг билимдонлик даражалари ривожланиб боради. Зеро буюк бобомиз, қомусий аллома Абу Райҳон Беруний айтганидек: “Билим-кайтариш ва такрорлаш мевасидир”.

Оралик ва якуний назоратлар бўйича тестларни тузишда ва улардан фойдаланишда мавзуларнинг энг муҳим илмий жиҳатларига дарсликнинг ғояси, моҳияти ва вазифаларига алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқдир.

Турли синф ўқувчилари учун тест саволларини тузиш ва улардан фойдаланишда ўқувчиларнинг ёши ва билим савияси даражаларини ҳам албатта ҳисобга олиш лозим.

География фани бўйича қуйироқ синфлар масалан, 5-6-синф ўқувчилар учун имкон қадар соддароқ, юқори синф ўқувчилари учун эса бироз мураккаброқ ва илмий мушоҳада юритишга ундовчи тест саволларини тузиб, улардан фойдаланиш мумкин. Шунингдек, бир синфдаги ўқувчиларнинг билимларини тестлар орқали синаш жараёнида уларнинг индивидуал билим савияларига мос келувчи турли даражадаги тест саволларини тарқатиб жавоб олишга ҳам алоҳида эътибор бериш керак[III., 25].

Фан олимпиадалари ва билимлар беллашуви каби мусабоқалар жараёнларида эса барча турдаги юқори даражадаги билим, кўникма ва малакаларни талаб этувчи тест саволларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, бундай мусобақалар жараёнларида энг билимдон ва энг иқтидорли ғолиб ўқувчиларни шундай тестлар ҳамда бошқа воситалар ёрдамида аниқлаш мумкин бўлади.

Дарс жараёнларида айрим мавзулар ва йирик боблар маълумотлари ўрганиб бўлингач, улардаги маълумотлар асосида ўқувчиларга мустақил равишда тестлар тузишни вазифа қилиб топшириш ҳам аҳамиятлидир.

Даслабки даврларда ўқувчиларнинг тузган тестлари талаб даражасида бўлмаслиги мумкин лекин, вақт ўтиб ўқувчиларнинг билим савиялари, кўникма ва малака даражалари юксалиб боргани сари уларнинг тузган тестлари ҳам илмий жиҳатдан мукаммаллашиб боради.

1.3. Географик тестларнинг турлари, уларнинг қўлланилиши ва аҳамияти

Ҳозирги даврда тестлар халқаро миқёсида қуйидаги гуруҳларга ажратилади:

1. Билимларни аниқлаш ва ўлчашга қаратилган тестлари;
2. Ақл-заковат ва истеъдодни аниқлашга йўналтирилган ақлий тестлар;
3. Ижодкорлик, бунёдкорлик даражасини текширувчи ижодий тестлар;
4. Ўқув ёки касбий билимлар ва топшириқларни қандай малака тизими орқали ўлчаш мумкинлигини аниқловчи меъзоний мўлжал тестлари;
5. Инсоний сифат, фазилят ва хислатларни ўлчашга йўналтирилган шахсга оид тестлар;
6. Шахс ўзини-ўзи ошкор қилишига мўлжалланган проексиявий тестлар.

Педагогика соҳасида барча фанлардан жумладан география фанидан ўқувчиларга таълим-тарбия беришда юқорида кўрсатилган тест гуруҳларидан асосан мақсадга эришув, ақлий тестлардан ва меъзоний мўлжал тестларидан кўпроқ фойдаланилади[III., 2].

Ушбу мақсадга эришув ва ақлий тест гуруҳларини география таълимида услубий жиҳатдан мазмуни ва шаклига кўра шартли равишда қуйидаги алоҳида турларга ажратиш мумкин:

1. Содда-тезкор жавобли йўналишдаги тестлар.
2. Оддий ва мураккаб жавобли маълумотлар йўналишидаги тестлар.
3. Картографик маълумотлар бўйича тестлар
4. Амалий машғулотлар йўналиши асосидаги тестлар.

4. Дунёда энг сернам материк қайси?

А) Евросиё Б) Жанубий Америка С) Африка

5. Ўрта Осиёда энг баланд тоғ қайси?

А) Помир Б) Тяньшан С) Ҳиндикуш

6. Энг совуқ ҳаво ҳарорати Ўрта Осиёнинг қайси қисмида кузатилади?

А) Ўрта Осиёнинг шимоли-шарқида

Б) Ўрта Осиёнинг шимолида

С) Ўрта Осиёнинг шимоли-ғарбида

7. Ўзбекистон неча давлат билан чегарадош?

А) 3 та

Б) 5 та

С) 7 та

8. Ўзбекистонда захираси энг катта ёқилғи тури қайси?

А) кўмир

Б) нефт

С) газ

9. Қуйидагилардан бошқаруви мутлоқ монархия шаклидаги давлатни

топинг

А) Таиланд

Б) Бруней

С) Малайзия

10. Қуйидагилардан қайси давлат электр энергиясини импорт қилади?

А) Италия

Б) Канада

С) Япония

Оддий ва мураккаб жавобли маълумотлар йўналишидаги тестлар

Оддий жавобли турдаги тестларнинг жавобини топиш биров вақтни талаб этади. Улардан кундалик жорий назоратларда, бир неча мавзуларни ўрганиб бўлингач, оралиқ назоратлар бўйича ўтказиладиган Мажбурий Стандарт Назорат Ишларида, такрорлаш дарсларида ҳамда ўқув йили сўнггида ўтказиладиган якуний назорат жараёнларида фойдаланиш мумкин. Бу турдаги тестларнинг жавоби танланадиган тўрт вариантдан иборат қилиб тузилади. Уларга қуйидаги тестлар мисол тариқасида кўрсатиш мумкин:

1. Дарё суви йиғиладиган майдон қандай аталади?

А) дарё ҳавзаси

Б) дарё водийси

С) дарё мансаби

Д) дарё манбаи

2. Қуйидагилардан антропоген табиат комплексини ажратинг

А) денгиз Б) чўл С) сув омбори Д) ўрмон

3. Африкада энг катта майдонни эгаллаган табиат зонаси қайси?

А) тропик чўллар Б) саванна ва сийрак ўрмонлар

С) экваториал ўрмонлар Д) фаслий нам ўрмонлар

4. Евросиёдаги ёш тоғлар гуруҳини топинг

А) Помир, Тибет, Урал Б) Ҳимолай, Декан, Тяньшан

С) Кунлун, Олтой, Нурота Д) Карпат, Кавказ, Алп

Айрим ҳолларда ушбу тестларни тушириб қолдирилган жавоблар кўринишида ҳам қуйидагича ифодалаш мумкин:

5. Нотўғри жавобни топинг

Евросиёда Ер шаридагижойлашган

А) энг баланд тоғ Б) энг паст ботик

С) энг катта кўл Д) энг катта чўл

Мураккаб жавобли маълумотлар йўналишидаги тестларни икки ёки кўп жавобли тарзда тузилади. Бундай тестларнинг жавобини топиш ўқувчидан кўпроқ билим ва аниқликни талаб этади. Ушбу тестлардан синфлардаги энг иқтидорли ўқувчилар билимларини синаш жараёнида фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай икки ва кўп жавобли мураккаб тестларга қуйидагиларни мисол сифатида кўрсатиш мумкин:

7. Ўрта Осиё ҳудудида табиат зоналари қайси йўналишда алмашади?

А) шимолдан –жанубга Б) ғарбдан-шарққа

С) баландликлар бўйича Д) А ва С жавоблар тўғри

8. Қуйидагилардан оғир саноат тармоқларини белгиланг

1. Электроэнергетика 2. Тўқимачилик 3. Металлургия 4. Трикотаж 5. Кўн-пояфзал 6.Машинасозлик 7. Тикувчилик 8. Нефт –кимё

А) 2,3,5,8 Б) 1,2,7,8 С) 1,3,6,8 Д) 4,5,6,7

9. Қуйидагилардан бошқаруви мутлоқ монархия шаклидаги давлатлар гуруҳини белгиланг

- А) Белгия, Дания, Таиланд
- Б) Монако, Япония, Швеция
- С) Бруней, Саудия Арабистони, Уммон
- Д) Буюк Британия, Испания, Нидерландия

10. Қуйидагилардан қайси мамлакатлар ҳудуди геосинклинал минтақада жойлашган?

- 1. Чили 2. Тожикистон 3. Перу 4. Қозоғистон
- 5. Япония 6. Буюк Британия 7. Полша 8. Туркия
- А) 1,3,5,6,7 Б) 1,2,3,5,8 С) 3,5,6,7,8 Д) 2,5,6,7,8

Картографик маълумотлар бўйича тестлар

Бу турдаги тестлар географик хариталарда тасвирланган, географик объектлар ва бошқа тафсилотлар асосида тузилиб, улардан ўқувчиларнинг харитавий билимларини, кўникма ва малакаларини ошириш, хариталардаги кўрсатилган объектларни ва турли тафсилотларни хотираларида яхши сақлаб қолишларига эришиш ҳамда, уларнинг картографик маълумотларни ўрганишга бўлган қизиқишларини янада ривожлантириш мақсадида фойдаланилади. Картографик маълумотлар йўналишидаги тестлардан кундалик жорий назорат, оралиқ ва якуний назоратлар жараёнларида ҳамда географик ўйинлар ўтказишда самарали фойдаланиш мумкин. Ушбу йўналишдаги тестларга қуйидагиларни мисол қилиб келтириш мумкин:

1.Қайси тоғ тизмалари иккита ярим шарда жойлашган?

- А) Анд, Шарқий Африка Б) Аппалачи, Урал
- С) Тибет, Ҳиндикуш Д) Атлас, Ҳимолай

2.Қуйидагилардан чекка денгизлар гуруҳини топинг

- А) Қора, Баренс, Азов Б) Болтиқ, Эгей, Кариб
- С) Лаптевлар, Арафур, Маржон Д) Ўрта, Беринг, Тасман

3.Қайси дарёлар уч ва ундан ортиқ давлатлар ҳудудидан оқиб ўтади?

- 1.Амударё 2.Урал 3.Дунай 4.Волга 5.Нил 6.Нигер 7.Миссисипи
- 8.Енисей 9.Хуанхе

А) 2,4,6,8 Б) 1,3,5,6, С) 3,4,8,9 Д) 1,5,7,9

4. Титикака кўли қайси мамлакатларнинг чегара зонасида жойлашган?

А) Боливия ва Перу Б) Перу ва Парагвай
С) Парагвай ва Чили Д) Чили ва Аргентина

5. Қайси давлатлар нам экваториал ўрмонлар зонасида жойлашган?

А) Бразилия, Судан, Ҳиндистон Б) Конго, Ветман, Япония
С) Индонезия, Сомали, Мозамбик Д) Конго, Бразилия, Индонезия

6. Қуйидагилардан океанлардаги илиқ оқимларни белгиланг?

1. Аляска. 2. Перу. 3. Канар. 4. Шимолий Пассат. 5. Бенгела. 6. Муссон.
7. Ғарбий шамоллар. 8. Норвегия 9. Фолкленд.

А) 1,3,5,9 Б) 2,4,7,9 С) 1,4,6,8 Д) 2,3,5,9

7. Қуйидагилардан ҳудудини тропик чизиклари кесиб ўтган давлатларни топинг

А) Мали, Непал, Б) Намибия, Янги Каледония
С) Боцвана, Ангола Д) Мозамбик, Хитой.

8. Непалга чегарадош давлатларни белгиланг?

А) Ҳиндистон, Хитой, Покистон Б) Бутан, Ҳиндистон
С) Хитой, Ҳиндистон Д) Бутан, Бангладеш, Хитой.

9. Қуйидагилардан қайси шаҳарлар жанубий ярим шарда жойлашган?

А) Аделаида, Брисбен, Ванкувер Б) Сан-Паулу, Гавана, Манагуа
С) Бужумбура, Виндхук, Сидней Д) Луанда, Найроби, Қоҳира

10. Қуйидагилардан Тинч океанида жойлашган оролларни ажратинг

1. Куба 2. Янги Зелландия 3. Курилл
4. Мадагаскар 5. Япон ороллари 6. Канар ороллари
7. Янги Гвинея 8. Канада-Арктика архепелаги

А) 1,4,6,8 Б) 2,3,5,7 С) 3,4,7,8 Д) 1,2,3,6

Амалий машғулотлар йўналиши асосидаги тестлар

Бу йўналишдаги тест саволлари ўқувчилар учун анча мураккаб бўлиб, улар ўқувчиларнинг амалий кўникма ва малакаларини синаб кўришга,

ривожлантиришга ҳамда мустаҳкамлашга ёрдам беради. Бундай турдаги тестлар жавобини топиш учун ўқувчилардан алоҳида географик билим ва математик ҳисоблаш малакаси ҳам талаб этилади. Амалий машғулотлар йўналиши асосидаги тестлардан оралик ва якуний назоратларда, шунингдек, олимпиада ва билимлар беллашуви мусобакаларида самарали фойдаланиш мумкин. Ушбу турдаги тестларга қуйидагиларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин:

1. Қайси жавобда ўрта масштабли харита масштаби берилган?
А) 1:50 000 000 Б) 1: 25 000 000 С) 1:10 000000 Д) 1: 500 000
2. Икки шаҳар ўртасидаги масофа 300 километр бўлса, 1:1000000 масштабли харитада унинг узунлиги қанча бўлади?
А) 3 мм Б) 3 см С) 30 см Д) 10 см
3. Агар Жомолунгма чўққисида ҳаво ҳарорати – 5°C бўлса Мак-Кинли чўққисида неча даража бўлади?
А) $+1,9^{\circ}\text{C}$ Б) $+2, 9^{\circ}\text{C}$ С) $+3, 9^{\circ}\text{C}$ Д) $+4, 9^{\circ}\text{C}$
4. Агар тоғ этагида ҳаво босими 740 мм ва тоғ тепасида 440 мм симоб устунига тенг бўлса, ушбу тоғнинг нисбий баландлигини аниқланг
А) 1 000 м Б) 2 000 м С) 3 000 м Д) 4 000 м
5. Агар $+20^{\circ}$ 1 м^3 ҳавода 10 грамм сув мавжуд бўлса, ушбу ҳавода нисбий намлик неча % га тенг бўлади?
А) 48 % Б) 58 % С) 68 % Д) 78 %
6. Агар дарё оқими тезлиги 0,2 м/сония ва ўзанининг кўндаланг кесими 25 м^2 га тенг бўлса, ушбу дарёнинг сониялик сув сарфини аниқланг
А) $0,5\text{ м}^3/\text{сония}$ Б) $5\text{ м}^3/\text{сония}$ С) $50\text{ м}^3/\text{сония}$ Д) $70\text{ м}^3/\text{сония}$
7. Эхолотдан денгиз тубига юборилган товуш 6 сонияда қайтиб келган бўлса, ушбу денгизнинг чуқурлигини аниқланг
А) 2 500 м Б) 3 500 м С) 4 500 м Д) 5 500 м
8. Океан сувининг шўрлиги 1 литрда 35 % га тенг бўлса, бир тонна океан сувидан қанча туз олиш мумкин?

А) 0,35 грамм Б) 35 грамм С) 35 килограмм Д) 350 килограмм

9. Ўзбекистонда жами аҳоли сони 30 млн киши бўлса, ўртача зичлик 1 км² га неча кишидан тўғри келади?

А) 57 киши Б) 60 киши С) 63 киши Д) 67 киши

10. 6 килограмм қўнғир кўмир ёқилганда неча шартли ёқилғига тенг иссиқлик беради?

А) 1,5 Б) 2,5 С) 3,5 Д) 4,5

Расмли ёки тасвирли маълумотлар йўналишидаги тестлар

Ушбу турдаги тестлар жавобини топиш ўқувчилар учун жуда мароқли бўлиб, улар уфқ томонлари, координаталар, горизонталлар, топографик белгилар, фойдали қазилмаларнинг шартли белгилари, хариталардаги ороллар, ярим ороллар, кўллар ва давлатларнинг ҳудудий шакллари ҳамда, турли географик ландшафтлар ва объектларнинг кўриниши расмлар каби тасвирли маълумотлар асосида тузилади.

Бундай турдаги тестларнинг жавобини топиш учун ўқувчилардан хариталардаги географик объектларнинг шакллари, турли шартли белгиларни, географик ландшафтлар ва объектлар кўринишларини яхши билишлари, етарли даражада географик билим, кўникма ва малакага эга бўлишлари талаб этилади. Расмли ёки тасвирли маълумотлар йўналишидаги тестлардан барча хилдаги назоратлар жараёнларида ҳамда, географик ўйинларни ташкил этишда самарали фойдаланиш мумкин.

Ёпиқ ёки жавоби ёзиладиган тестлар

Бу турдаги тестлар жавоби танланадиган тестлардан фарқли равишда оддий савол-жавоб тарзида тузилиб, саволларнинг жавоб вариантлари берилмайди. Бундай тестлар жавобини топиш учун ўқувчилардан аниқ ва асосли билимлар бўлиши талаб этилади. Чунки ёпиқ тестларнинг жавоби ёзма равишда аниқ ифодаланади. Бунда жавобни тахминан белгилаш имконияти бўлмайди. Ёпиқ ёки жавоби ёзиладиган тестлардан кўпроқ оралиқ ва якуний назоратларда, географик ўйинлар жараёнида ҳамда фан

мусобақаларида самарали фойдаланиш мумкин. Ушбу турдаги тестларга куйидагиларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин:

1. Ер пўсти қандай қатламлардан ташкил топган?

Жавоб: _____

2. Атмосфера қандай қатламлардан иборат?

Жавоб: _____

3. А) ҳаво ҳарорати, Б) ҳаво босими, С) ҳавонинг нисбий намлиги, Д) шамолнинг кучи ва йўналиши қайси асбоблар ёрдамида аниқланади?

Жавоб: _____

4. Қизил- қўнғир тупроқлар Африканинг қайси табиат зонасига хос?

Жавоб: _____

5. Аралаш ўрмонлар зонаси Евросиёнинг қайси қисмларида жойлашган?

Жавоб: _____

6. Ўрта Осиёга чегарадош табиий- географик ўлкаларни кўрсатинг.

Жавоб: _____

7. Минтақа вақти қайси давлатларда қабул қилинмаган?

Жавоб: _____

8. Ҳижрий –шамсий йилда 29 кундан иборат бўлган ойларни кўрсатинг.

Жавоб: _____

9. Мезазой эраси қандай даврларга бўлинган?

Жавоб: _____

10. Ўрта Осиё ҳудудида қайси фаслларда тарқоқ радиация кўпроқ бўлади?

Жавоб: _____

11. А) Чордара, Б) Туябўғиз С) Қуйимозори

Д) Чимқўрғон сув омборлари қайси дарёларда барпо этилган?

Жавоб: _____

12. Ўзбекистоннинг текислик табиий-географик раёнларини кўрсатинг?

Жавоб: _____

13. Ўзбекистоннинг қайси табиий–географик ўлкасида тоғлар дастлаб каледон кейин герсин тоғ бурмаланишида кўтарилган?

Жавоб: _____

14. Қандай ҳудудлар саноат раёнлари дейилади?

Жавоб: _____

15. Ўзбекистоннинг қайси шаҳарларидаги корхоналарда тўқимачилик дастгоҳлари ишлаб чиқарилади?

Жавоб: _____

16. Ўзбекистондаги қайси иқтисодий-географик раёнлар А) пилла, Б) шоли, С) мевалар ва узум етиштиришда Д) Қоракўлчиликда етакчи ҳисобланади?

Жавоб: _____

17. Италияга чегарадош мамлакатларни кўрсатинг

Жавоб: _____

18. Машҳур “Мис минтақаси” Африканинг қайси давлатлари чегара зонасида жойлашган?

Жавоб: _____

19. Тошкентда 1 январ куни соат 2⁰⁰ бўлганда Токио, Москва, Париж ва Вашингтон шаҳарларида қайси кун ва соат неча бўлади?

Жавоб: _____

20. Ер юзасига чиққан лава ҳарорати +1320⁰ бўлса, лава ернинг неча метр чуқур қисмидан отилиб чиққанлигини аниқланг?

Жавоб: _____

23. Қуйидаги маълумотлар асосида суткалик ўртача ҳаво ҳароратини аниқланг? -1⁰, +1⁰, +4⁰, +8⁰, +16⁰, +12⁰, -3⁰, -5⁰,

Жавоб: _____

24. Андижон вилоятида жами аҳоли 2 756 400 киши, шундан шаҳар аҳолиси 1 453 900 киши бўлса, (2014 йил) вилоят аҳолисининг урбанизация даражаси неча % га тенг эканлигини аниқланг?

Жавоб:_____

Юқорида кўриб ўтилган турли йўналишлар асосидаги тест турларидан фойдаланишда ўқитувчи уларнинг қайси туридан қай вақтда, дарснинг қайси қисмида ва қандай усулда қўллашни олдиндан аниқ белгилаб олиши керак. Аксарият ҳолларда ўқувчиларнинг билим савияларини комплекс ривожлантириш учун барча тест турларидан умумий, аралаш ҳолда фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Албатта бу тестларни ўз вақтида янгилаб туришга ҳам жиддий эътибор қаратиш керак.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, таълим жараёнида тест саволларидан ўринли ва мунтазам фойдаланиб бориш, ўқувчиларга пухта билим беришга, уларнинг олган билимларини мустаҳкамлашга, фан асосидаги кўникма ва малакаларини ҳамда мустақил фикрлаш қобилиятларини ривожлантириб боришга ёрдам беради.

ИККИНЧИ БОБ. СТАНДАРТ ВА НОСТАНДАРТ ТЕСТ САВОЛЛАРИ («ЖАҲОН УРБАНИЗАЦИЯСИ» МАВЗУСИ МИСОЛИДА)

2.1. Стандарт тест саволлари

География фани бўйича ўқув топшириқлари яратишга қўйиладиган талаблар (тест тузиш) ва саволномалар ишлаб чиқиш

Тест саволлари тузишда икки асосий омил эътиборга олинади, биринчиси махсус билим шахобчалари учун умумий бўлган, хусусиятлар, иккинчиси махсус фанларнинг ўз ички хусусиятлари. Фанлардан тест саволлари тузишда уларнинг умумий хусусиятлари – билимларини баҳолашнинг тезкорлиги, вақтдан фойдаланишнинг тежамкорлик, услубиятнинг стандартлиги ва кўп босқичлик кўп даражалик имконга эга бўлган синаш хусусиятлари эътиборга олиниб, фаннинг ички хусусиятлари иккинчи даражага тушиб қолади. Республикамизда тестология услубиятининг илмий амалий асосларини чуқур тадқиқ қилиш кейинги 1992-97 йилдан бошлаб анча жонланди[II., 1].

Тестларни тузишда ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари ҳисобга олинади. 7-12 ёшгача бўлган ўқувчилар учун 20 та тест саволи тузилиб 3 та вариантда берилади, 6-синф ўқувчилари учун 1- ва 2- чораклар учун 3 та вариантда тузилади, 3 ва 4- чораклар учун 4 та вариантда 25 тадан савол тузилади. 7-синфлар учун 4 та вариантда 25 тадан тест саволлари тузилади, 8 ва 9-синфлар учун 5 та вариантда 25 тадан тест саволлари тузилади.

Бу саволларнинг тўғри жавоби битта ўхшашлари 3 та, тестларнинг 10 та саволи осон бўлиши керак, 10 та саволлар эса мураккаблашган лекин ўқувчи эшитган бўлиши керак, 5 та савол бошқа адабиётлардан олинган бўлиши шарт.

Ҳозирги талаб бўйча 7 та тест саволлари ёпик тест бўлиб жавоблари берилмаслиги керак.

9- синф.

1. Ҳиндистон, Бразилия ва Мексика давлатлари иқтисодий салоҳиятига кўра қандай мамлакатлар гуруҳига киради?
А) "Кўчирилган капитализм" В) "Катта саккизиик"
С) "Нефт экспорт қиувчи мамлакатлар" Д) "Таянч мамлакатлар"
2. "Подшолик қилади, лекин идора қилмайди" ибораси (И.А.Витвер) қандай давлатлар учун хос?
А) федератив В) ислом С) конституциявий монархия Д) мутлак монархия
3. Монархия типигаги давлатни аниқланг.
А) Норвегия В) Гефмания С)Туркия Д) Италия
4. Оролда жойиашган давлатани аниқланг.
А) Боливия В) Ливан С) Руанда Д) Янги Каледония
5. Африка қифасига тегишли бўлган давлатни белгиланг.
А) Гондурас В) Кипр С) Сурихале Д) Свазиленд
6. Қуйидаги давлатлардан қайсилари Океанияда жойиашган?
А) Малдив В) Тринидад ва Тобаго С) Кабо-Верде Д) Палау
7. Қуйида денгизга бевосита чиқа олмайдиган давлатни аниқланг.
А) Нигер, Словакия В) Чили, Мексика С) Намибия, Бруней Д) Яман, Португалия
8. Қуйидагилардан энг катта ҳудудга эга мамлакатни белгиланг.
А) Хитой В) АҚШ С) Канада Д) Бразилия
9. Қуйида Хитой билан қўшни бўлмаган давлатларни аниқланг.
А) Мўғилистон В) Ҳиндистон С) Непал Д)Таиланд
10. Марказий Америка таркибига кирувчи давлатни аниқланг.
А)Канада В)АҚШ С) Коста-Рика Д) Колумбия

11. Жаҳонда табиий газ казиб чиқаришда етакчи бўлган давлатларни белгиланг.
- А) Россия, АҚШ В) АҚШ, Канада С) Буюк Британия, Индонезия Д) Жазоир, Эрон
12. Афғонистон, Нигер, Албания, Ҳабашистон, Чад давлатларини умумлаштирувчи жиҳатларини аниқланг.
- А) ОПЕК га аъзо В) Иқтисодий жиҳатдан энг паст даражада ривожланган
- С) Африка давлатлари Д) темир рудасига бой давлатлар
13. Аҳолининг нотекис жойлашувига таъсир этувчи асосий омилни топинг,
- А) иқтисодий В) табиий С) тарихий Д) ижтимоий
14. Аҳоли зичлиги энг юқори бўлган ҳудудни белгиланг.
- А) Европа В) Австралия ва Океания С) Жанубий Америка Д) Осиё
15. Аҳоли зич жойлашувига имконият яратувчи шароитни аниқланг.
- А) чўллар В) экваториал ўрмонлар С) баланд тоғлар Д) дарё ва денгиз бўйлари
16. Европада аҳоли сони энг кўп бўлган давлатни топинг,
- А) Франция В) Германия С) Болгария Д) Испания
17. Эфиопия ва ЖАРда қандай дин муҳим рол ўйнайди?
- А) ислом В) христиан С) буддавий Д) интоизм
18. Жаҳонда жами аҳолининг неча % шаҳарларда яшайди? _____
19. "Миллионер шаҳарлар" сони 2008 - й.да қанчадан ошиб кетди? _____
20. Босваш, ЧИПИТС мегаполислари қайси мамлакатда жойлашган? _____
21. Жаҳонга нефтга бой бўлган ҳудуд қайси? _____
22. Саноатда банд ишчи ва хизматчилар сонига кўра жаҳонда қайси мамлакат етакчи ўринда туради? _____
23. Энг кўп кўмир қазиб чиқарувчи давлат қайси? _____
24. Кўмирни энг кўп импорт қилиб олувчи давлат қайси? _____
25. Жаҳон электрэнергетикасида ГЭСлар салмоғи қанча? _____

Стандарт тест саволларидан намуналар:

1. Мамлакатда, ҳудудда ва жаҳонда шаҳарларнинг ўсиши ва шаҳар аҳолиси салмоғининг ошиши, мураккаб шаҳарлар тизимлари пайдо бўлиши нима дейилади?

- А) Рурбанизация
В) Конурбанизация
*С) Урбанизация
Д) Субурбанизация

2. Урбанизациялашган ҳудудларга хос бўлмаган хусусиятни аниқланг

**А) аҳолисининг 87 фоизи йирик ва миллионер шаҳарларда жамланган В) Ер юзининг 1 фоиздан сал ортиқ қисмини эгаллайди С) жаҳон аҳолисининг 57 фоизи истиқомат қилади Д) ялпи ички маҳсулотнинг 80 фоизи ишлаб чиқарилади*

3. Шаҳарлар сони ва шаҳар аҳолисининг миқдори ҳамда улушининг ўсишини, шаҳарлар билан боғлиқ мураккаб тармоқлар ва тизимларнинг шаклланиши ва ривожланиши нимани англатади?

- А) урбанизация даражаси *В) урбанизация жараёни С) субурбанизация Д) рурбанизация

4. Шаҳарлар ҳудудининг кескин кенгайиб, ёйилиб кетиши замонавий урбанизациянинг нечанчи жиҳати ҳисобланади?

- A) биринчи B) иккинчи *C) учинчи D) тўрттинчи

5. Колката шахрининг олдинги номини аниқланг ва у қайси мамлакатда жойлашган?

- А) Мумбай, Хиндистон В) Гонконг, Хитой С) Карачи, Покистон *Д)
Калкутта, Хиндистон

7. Урбанизация даражаси бўйича энг юқори давлатни белгиланг

- А) Бразилия
В) Франция
*С) Англия
Д) Россия

2.2. Ностандарт тест саволлари

Ўқувчиларнинг Блум таксономияси бўйича ўқув мақсадига эришилганлик даражасини назорат қилиш ва баҳолашда фойдаланиладиган *ностандарт тест* топшириқлари

1. Қуйида берилган қайси шаҳарларнинг рамзлари тасвирланган ва уларни мос ҳолда жадвалда рақамлар билан ифодаланг


- 1) Рио-де-Жанейро;
- 2) Токио;
- 3) Самарқанд;
- 4) Дубай;
- 5) Агра;
- 6) Страсбург;
- 7) Сидней.

						
?	?	?	?	?	?	?

Расмли ва кўп жавобли ностандарт тест жавоби қуйидагича бўлади:


						
5	1	4	6	3	7	2

2. Расмда берилган “Супершаҳарлар” га мос рақамларни ёзинг



Супершаҳарлар	Рақамлар	Супершаҳарлар	Рақамлар
Мехико		Каликут	
Токио		Буэнос-Айрес	
Шанхай		Нью-Йорк	
Лондон		Москва	

Харитали ва кўп жавобли “Супершаҳарлар” ностандарт тест жавоби:



Супершаҳарлар	Рақамлар	Супершаҳарлар	Рақамлар
Мехико	6	Каликут	5
Токио	1	Буэнос-Айрес	7
Шанхай	6	Нью-Йорк	2
Лондон	8	Москва	3


**3. “Буюк саккизлик” мамлакатларининг урбанизация даражасига кўра
камайиб бориш тартибида жойлаштиринг**

Мамлакатлар	Шаҳар аҳолиси улуши, % ҳисобида	Жойлашиш тартиби
АҚШ		
Япония		
Германия		
Франция		
Буюк Британия		
Канада		
Италия		
Россия		


Жавоби:

Мамлакатлар	Шаҳар аҳолиси улуши, % ҳисобида	Жойлашиш тартиби
АҚШ	81,4	4
Япония	93 %	1
Германия	75,1	6
Франция	79,3	5
Буюк Британия	82,3	2
Канада	81,6	3
Италия	68,8	8
Россия	73,9	7

3. Шаҳарларни харита асосида қайси мегаполис таркибига киришини аниқланг ва жадвалга мос рақамларни ёзинг (1-Сансан, 2-Босваш, 3-Чиптс)

	Шаҳарлар	Рақамлар
	Нью-Йорк	2
	Лос-Анджелес	1
	Чикаго	3
	Вашингтон	2
	Сан-Франциско	1
	Бостон	2
	Питсбург	3

Жавоби:

	Шаҳарлар	Рақамлар
	Нью-Йорк	2
	Лос-Анджелес	1
	Чикаго	3
	Вашингтон	2
	Сан-Франциско	1
	Бостон	2
	Питсбург	3

5. Урбанизацияга хос тушунчаларни аниқланг

1.	Урбанизация	А	Марказий катта шаҳар атрофида жойлашган уч ва ундан ортиқ шаҳар типдаги аҳоли пунктларининг бир-бири билан ўзаро қўшилиб кетиши		
2.	Шаҳарлар агломерацияси	В	Шаҳарлар агломерацияларида аҳолининг қайта тақсимланиши		
3.	Мегаполис	С	Бир неча йирик шаҳарлар агломерацияларининг ўзаро бирикиб, ягона улкан макон ҳосил қилиши		
4.	Субурбанизация	Д	Муайян ҳудудда шаҳарлар сони ва шаҳар аҳолиси салмоғининг ўсиши		
Жавоб:		1 -	2 -	3 -	4 -

Жавоби:

Жавоб:	1 – Д	2 – А	3 – С	4 – Б
--------	-------	-------	-------	-------

6. Агломерацияларга берилган таърифни атамалар билан жуфтланг

1.	Моноцентрик агломерация	А	Марказий катта шаҳар атрофида жойлашган уч ва ундан ортиқ шаҳар типдаги аҳоли пунктларининг бир-бири билан ўзаро қўшилиб кетиши		
2.	Полицентрик агломерация	Б	йирик шаҳар атрофида йўлдош шаҳарларнинг пайдо бўлиши		
3.	Шаҳарлар агломерацияси	С	денгиз соҳили, дарё қирғоғи ёки темир йўл магистрали бўйлаб узунасига жойлашган агломерация		
4.	Чўзиқ агломерация	Д	икки ва ундан ортиқ йирик шаҳар атрофида йўлдош шаҳар ва шаҳарчаларнинг йиғилиши		
Жавоб:		1 -	2 -	3 -	4 -

Жавоби:

Жавоб:	1 - В	2 - Д	3 - А	4 - С
--------	-------	-------	-------	-------

7. Шаҳарларни вужудга келтирувчи омиллар бўйича билан жуфтланг

№	Шаҳарлар				№	Омиллар
1	Дубна, Академгородок, Тарту, Кембриж, Оксфорд, Гарвард				А	Курорт
2	Чортоқ, Сочи, Пятигорск, Ессентуки, Минеральные Воды				В	Саноат
3	Гулистон, Янгиер, Пахтакор, Бўз, Улуғнор, Ёзёвон, Жомашўй				С	Конлар
4	Ангрен, Олмалиқ, Зарафшон, Муборак, Қоровулбозор, Газли				Д	Қўриқ ерни ўзлаштириш
5	Чирчиқ, Бекобод, Навоий, Толимаржон				Е	Илм – фан
Жавоб:		1 -	2 -	3 -	4 -	5 -

Жавоби:

Жавоб:	1 - Е	2 - А	3 - Д	4 - С	5 - В
--------	-------	-------	-------	-------	-------


8. Мегалополисларни қайси мамлакатда жойлашувига қараб жуфтланг

№	Мегаполислар					№	Мамлакатлар
1	Токайдо					А	АҚШ
2	Босваш					В	Германия
3	Англия					С	Буюк Британия
4	Чипитс					Д	Япония
5	Рейн					Е	АҚШ
6	Сансан					Ф	АҚШ
Жавоб:		1 -	2 -	3 -	4 -	5 -	6-


Жавоби:

Жавоб:	1 - Д	2 - А	3 - С	4 - Е	5 - В	6 - Ф
--------	-------	-------	-------	-------	-------	-------

9. Ўзбекистон шаҳарларини аҳолиси сони ўсиб бориши тартиби билан жуфтланг



Жавоби:



10. Тошкент ва Фарғона агломерациялари таркибига кирадиган шаҳарларга мос рақамларни жадвалнинг ўнг томонига ёзинг

1) Тошкент	3) Чирчиқ	5) Янгийўл	7) Киргули	9) Зангиота
2) Фарғона	4) Ғазалкент	6) Чиноз	8) Келес	10) Марғилон
Шаҳар агломерациялари		Жавобли рақамлар		
Тошкент				
Фарғона				

Жавоби:

Шаҳар агломерациялари	Жавобли рақамлар
Тошкент	1, 3, 4, 5, 6, 8, 9
Фарғона	2, 7, 10

11. Урбанизация даражасига кўра мамлакатларни жавобли рақамлар қисмига ёзинг

1) Монако; 2) Афғонистон; 3) Камбоджа; 4) Сингапур; 5) Буюк Британия; 6) Чад; 7) Кувайт; 8) БАА; 9) Эфиопия; 10) Швеция

Мамлакатлар	Жавобли рақамлар
Юқори урбанизациялашган	
Паст урбанизациялашган	

Жавоби:

Мамлакатлар	Жавобли рақамлар
Юқори урбанизациялашган	1, 4, 5, 7, 8, 10
Паст урбанизациялашган	2, 3, 6, 9

12. Атлантика океани бўйида жойлашган агломерацияларни рақамларга мос ёзинг

	Агломерациялар	Рақамлар
	Рио-де-Жанейро	
	Лондон	
	Милан	
	Нью-Йорк	
	Сан-Паулу	
	Буэнос-Айрес	
	Истамбул	
	Санкт-Петербург	

Жавоби:

	Агломерациялар	Рақамлар
	Рио-де-Жанейро	1
	Лондон	2
	Милан	3
	Нью-Йорк	4
	Сан-Паулу	5
	Буэнос-Айрес	6
	Истамбул	7
	Санкт-Петербург	8

13. Берилган расмлар қайси шаҳарларга мос келадиган рақамларни ёзинг



1

2

3

4


	Шаҳарлар	Рақамлар
	Рим	
	Страсбург	
	Париж	
	Пиза	

Жавоби:

	Шаҳарлар	Рақамлар
	Рим	3
	Страсбург	1
	Париж	4
	Пиза	2

14. Урбанизация даражасига кўра материкларни аниқланг ва жадвалга ҳар бир расмга мос рақамларни ёзинг


1) Евросийё; 2) Шимолий Америка; 3) Африка; 4) Австралия; 5) Жанубий Америка



Расмли ва кўп жавобли ностандарт тест жавоби қуйидагича бўлади:


1	2	5	4	3
---	---	---	---	---

15. Шаҳарларнинг улушига кўра мос рақамларини аниқланг




Шаҳарлар аҳолиси сонига кўра типлари	Улуши, фоиз	Рақамлар
300 000 гача	23,2	
300 000 – 500 000	3,6	
500 000 – 1 000 000	5,1	
1 000 000 – 5 000 000	11,6	
5 000 000 – 10 000 000	4,2	
10 000 000 ва ундан ортиқ	6,4	

Диаграммали ва кўп жавобли ностандарт тест жавоби:




16. Дунё қитъаларида шаҳар аҳолиси салмоғи бўйича ўсиб бориши тартибида катакларга ёзинг

1. Осиё
2. Африка
3. Европа
4. Шимолий Америка
5. Жанубий Америка
6. Австралия ва Океания
7. Дунё бўйича




Жавоби:




17. Шаҳар статусини олишда аҳоли сонининг ўсиб бориши тартибида катакларга ёзинг

1. Япония;
2. АҚШ ва Мексика;
3. Россия;
4. Корея Республикаси;
5. Германия, Франция, Куба;
6. Дания, Швеция, Финландия, Исландия;
7. Ўзбекистон.



Жавоби:



18. Қуйида берилган мамлакатларни тўғри жойлаштиринг: *Хитой, Ҳиндистон, Буюк Британия, Индонезия, Аргентина, Бельгия, Сингапур, Қувайт, Непал, Нидерландия, Эфиопия, Нигерия, Конго, Нигер, Вьетнам*

Юқори урбанизациялашган (50-100%)	Ўртача урбанизациялашган (20-50%)	Паст урбанизациялашган (20% гача)

Жавоби:

<i>Юқори урбанизациялашган (50-100%)</i>	<i>Ўртача урбанизациялашган (20-50%)</i>	<i>Паст урбанизациялашган (20% гача)</i>
<i>Сингапур-100%</i>	<i>Нигерия-44%</i>	<i>Нигер-21%</i>
<i>Кувайт-98%</i>	<i>Индонезия-41%</i>	<i>Вьетнам-20%</i>
<i>Бельгия-97%</i>	<i>Хитой-36%</i>	<i>Эфиопия-17%</i>
<i>Буюк Британи я-90%</i>	<i>Конго-30%</i>	<i>Непал-12%</i>
<i>Аргентина-90%</i>	<i>Ҳиндистон-26%</i>	
<i>Нидерландия-89%</i>		

19. Урбанизацияга оид терминларни аниқланг. Жавоблар жадвалига “ҳа” ёки “йўқ” сўзларини ёзинг.

<i>1. Миграция</i>	<i>8. Технополис</i>
<i>2. Рурбанизация</i>	<i>9. Смогополис</i>
<i>3. Конурбация</i>	<i>10. Концентрация</i>
<i>4. Кооперация</i>	<i>11. Саноат райони</i>
<i>5. Мегаполис</i>	<i>12. Модернизация</i>
<i>6. Ихтисослашув</i>	<i>13. Сохта урбанизация</i>
<i>7. Агломерация</i>	<i>14. Комбинация</i>

Жавоб:

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14

Жавоби:

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14
Йўқ	Ҳа	Ҳа	Йўқ	Ҳа	Йўқ	Ҳа	Ҳа	Ҳа	Йўқ	Йўқ	Йўқ	Ҳа	Йўқ

20. Қуйида берилган фикрларнинг қайсилари тўғри?

- А. Урбанизация иқтисодий географик тушунча
- В. Урбанизациялашмаган давлатлар ҳали ҳам бор
- С. Европа энг урбанизациялашган минтақа
- Д. Урбанизация термини дастлаб Осиёда пайдо бўлган
- Е. Энг урбанизациялашган давлатлар митти давлатлардир
- Ф. Австралия ва Океания дунё қишлоғи
- Г. Ўзбекистон юқори урбанизациялашган давлат

Жавоб:

<i>A</i>	<i>B</i>	<i>C</i>	<i>D</i>	<i>E</i>	<i>F</i>	<i>G</i>

Жавоби:

<i>A</i>	<i>B</i>	<i>C</i>	<i>D</i>	<i>E</i>	<i>F</i>	<i>G</i>
<i>Ha</i>	<i>Yoq</i>	<i>Yoq</i>	<i>Yoq</i>	<i>Ha</i>	<i>Yoq</i>	<i>Ha</i>

21. Қуйида берилган фикрларнинг қайсилари тўғри?


- А. Троя, Палмира, Баалбек, Варахша “ўлик” шаҳарлар ҳисобланади
- В. Бобил тарихдаги биринчи миллионер шаҳар
- С. Россияда “Москва” мегаполиси шаклланган
- Д. Рурбанизация – муайян ҳудудда қишлоқлар аҳолиси салмоғининг ўсиши
- Е. Урбанизация – аҳолининг ҳудудлар бўйича кўчиб юриши
- Ф. Ўзбекистонда урбанизация даражаси 51 % га тенг

Жавоб: _____


Жавоб: А, В, Д, Ф.

22. Фарғона минтақаси шаҳарларини соат стрелкаси йўналиши бўйича тегишли рақамларда катакларга ёзинг

- 1) Наманган;
- 2) Марғилон;
- 3) Қўқон;
- 4) Андижон;
- 5) Фарғона;
- 6) Асака;
- 7) Чуст.



Жавоби:



23. Тушириб қолдирилган сўзларни ёзинг

- 1) Японияда денгизнинг саёз қўлтиқ ва кўрфазларини турли ахлат ва чиқинди жинслар билан тўлдириш ҳисобига _____ ҳудудлар ҳосил қилинмоқда
- 2) Шаҳарлар сони ва шаҳар аҳолисининг миқдори ҳамда улушининг ўсишини, шаҳарлар билан боғлиқ мураккаб тармоқлар ва тизимларнинг шаклланиши ва ривожланиши _____ англатади

Жавоби: 1) *технополис (илмий-муҳандислик комплекслари);* 2) *урбанизация жараёни.*

24. Замонавий урбанизациянинг учта умумий жиҳатини кетма-кетлик асосида жойлаштиринг

1. Юқори даражада урбанизациялашган мамлакатлар (шаҳар аҳолисининг улуши 50% дан юқори);
2. Кам ривожланган мамлакатларда шаҳар аҳолиси сонининг юқори суръатларда ўсишини билдиради.
3. Ўртача даражада урбанизациялашган мамлакатлар (шаҳар аҳолисининг улуши 25% дан 50% гача)
4. Аҳоли ва хўжаликнинг, асосан, катта шаҳарларда тўпланганлиги билан боғлиқ.
5. Шаҳарлар ҳудудининг кескин кенгайиб, ёйилиб кетиши билан боғланган.
6. Паст даражада урбанизациялашган мамлакатлар (шаҳар аҳолисининг улуши 25% дан кам).

Жавоби: 2, 3, 4, 5

25. Тушириб қолдирилган сўзларни ёзинг

1. Урбанизация даражасига кўра жаҳон мамлакатларини _____ йирик гуруҳга бўлиш мумкин?
2. Пешовар _____, Абадан _____, Жалолобод _____, Мари _____ шаҳарлари қайси давлатлар ҳудудида жойлашган?

Жавоби: 1) 3; 2) Покистон, Эрон, Қирғизистон, Туркменистон

26. Урбанизациялашган ҳудудларга хос бўлмаган жавоблардан қайси бири тўғри?

- А) аҳолисининг 87 фоизи йирик ва миллионер шаҳарларда жамланган;
- В) Ер юзининг 1 фоиздан сал ортиқ қисмини эгаллайди;
- С) Жаҳон аҳолисининг 57 фоизи истиқомат қилади
- Д) Ялпи ички маҳсулотнинг 80 фоизи ишлаб чиқарилади

Жавоб: _____

Жавоб: В,С, Д.

27. Аҳоли сонига кўра қитъаларни тартиби билан жойлаштиринг

1. Европа 2. Осиё 3. Шимолий Америка 4. Жанубий Америка 5. Африка 6. Австралия ва Океания

Жавоб: _____

Жавоб: 2, 5, 1, 4, 3, 6

28. Тушириб қолдирилган сўзларни ёзинг

1) Шаҳарлар худудининг кескин кенгайиб, ёйилиб кетиши замонавий урбанизациянинг _____ жиҳати ҳисобланади?

2) Колката шаҳрининг олдинги номини аниқланг ва у _____ жойлашган.

Жавоби: 1) учинчи; 2) Ҳиндистон

29. Тушириб қолдирилган сўзларни ёзинг

1) XX аср бошида аҳолиси сони 100 мингдан ортиқ бўлган шаҳарлар сони _____ ни ташкил этган;

2) 100 мингдан ортиқ бўлган шаҳарларда жами аҳолининг _____ фоизи тўғри келган.

Жавоби: 1) 4,0 мингта; 2) 10

30. Урбанизациялашган ҳудудларга хос тушириб қолдирилган сўзларни ёзинг

1) Ер қуруқлик юзасининг _____ дан сал ортиқ қисмини эгаллаган;

2) _____ нинг 80% и ишлаб чиқарилади;

3) атмосфера ва гидросферага чиқарилаётган _____ нинг 80 % и ҳам айна ушбу ҳудудларга тўғри келади

Жавоби:

1) Ер қуруқлик юзасининг **1%** дан сал ортиқ қисмини эгаллаган;

2) **Ялпи ички маҳсулот**нинг 80% и ишлаб чиқарилади

3) атмосфера ва гидросферага чиқарилаётган **заҳарли чиқинди ва газлар**нинг 80 % и ҳам айна ушбу ҳудудларга тўғри келади

31. Жаҳон урбанизациясида ўрганиладиган терминларнинг кетма-кетлигини белгиланг

1. Урбанизация жараёни
2. Мегалополис
3. Шаҳар
4. Қишлоқ
5. Субурбанизация
6. Урбанизация
7. Катта шаҳар
8. Агломерация

Жавоби: 3, 6, 7, 8, 2, 1, 5, 4

32. Қуйида берилган давлатларни урбанизация даражасига кўра тўғри жойлаштиринг

Сингапур, Монако, Бермуд ороллари, Андорра, Аргентина, Баҳрайн. Бельгия, Исландия, Исроил, Кувайт, Малта, Қатар, Сан-Марино, Уругвай, Венесуэла Афғонистон, Бутан, Буркина-Фасо, Бурунди, Камбоджа, Эритрея, Эфиопия, Кения, Лесото, Малави, Непал, Нигер, Папуа —Янги Гвинея, Шри-Ланка, Свазиленд, Тожикистон,

Қитъа	100 %	90—100%	25% дан кам
Европа			
Осиё			
Америка			
Африка			
Австралия ва Океания			

Жавоби:

Қитъа	100 %	90—100%	25% дан кам
Европа	Монако	Андорра, Бельгия, Исландия, Малта, Сан-Марино,	
Осиё	Сингапур	Бахрайн, Исроил, Кувайт, Қатар,	Афғонистон, Бутан, Камбоджа, Непал, Шри- Ланка, Свазиленд, Тожикистон,
Америка	Бермуд ороллари	Аргентина, Уругвай, Венесуэла	
Африка			Буркина-Фасо, Бурунди, Эритрея, Эфиопия, Кения, Лесото, Малави, Нигер,
Австралия ва Океания			Папуа —Янги Гвинея

33. Россия ва Украина шаҳарларини жадвалга мос рақамларда белгиланг

1) Киев, 2) Санкт-Петербург, 3) Новосибирск, 4) Одесса, 5) Волгоград, 6) Москва, 7) Донецк, 8) Днепропетровск, 9) Қозон, 10) Челябинск, 11) Харьков, 12) Уфа

Давлатлар	Жавоб рақамлари
Россия	
Украина	

Жавоби:

Давлатлар	Жавоб рақамлари
Россия	2, 3, 5, 6, 9, 10, 12
Украина	1, 4, 7, 8, 11

34. Қуйида берилган агломерацияларни тўғри жойлаштиринг

Москва, Нью-Йорк, Рио-де-Жанейро, Лондон, Токио, Сан-Паулу, Сидней, Жакарта, Қоҳира, Йоханнесбург, Лос-Анжелес, Хьюстон, Буэнос-Айрес, Мельбурн, Обиджон, Лагос, Дар-эс-Салам, Мумбай, Рим, Париж, Техрон, Сэул, Шанхай, Мехико, Тошкент, Токио, Деҳли

Европа	Осиё	Америка	Африка	Австралия ва Океания

Жавоби:

Европа	Осиё	Америка	Африка	Австралия ва Океания
Москва, Лондон, Рим, Париж,	Жакарта, Мумбай, Техрон, Сэул, Шанхай, Тошкент, Токио, Деҳли	Нью-Йорк, Рио-де- Жанейро, Сан- Паулу, Лос- Анжелес, Хьюстон, Буэнос-Айрес, Мехико	Қоҳира, Йоханнесбург, Обиджон, Лагос, Дар-эс- Салам,	Сидней, Мельбурн,

35. “Супершаҳарлар”ни жадвалга мос рақамларда белгиланг

1) Москва, 2) Нью-Йорк, 3) Рио-де-Жанейро, 4) Лондон, 5) Токио, 6) Сан-Паулу, 7) Сидней, 8) Жакарта, 9) Қоҳира, 10) Йоханнесбург, 11) Лос-Анжелес, 12) Хьюстон, 13) Буэнос-Айрес, 14) Мельбурн, 15) Обиджон, 16) Лагос, 17) Дар-эс-Салам, 18) Мумбай, 19) Рим, 20) Париж, 21) Техрон, 22) Сэул, 23) Шанхай, 24) Мехико, 25) Тошкент, 26) Токио, 27) Деҳли

“Супершаҳарлар”	Жавоб рақамлари
Денгиз ёки океан бўйида жойлашган	
Қуруқлик ичкарисида жойлашган	

Жавоби:

“Супершаҳарлар”	Жавоб рақамлари
Денгиз ёки океан бўйида жойлашган	2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 23, 26
Қуруқлик ичкарисида жойлашган	1, 9, 10, 19, 20, 21, 22, 24, 25, 27

36. Хитой ва Ҳиндистон шаҳарларини жадвалга мос рақамларда белгиланг

1) Пекин, 2) Тяньцзинь, 3) Деҳли, 4) Мумбай, 5) Урумчи, 6) Каликут, 7) Далян, 8) Шанхай, 9) Ченнау, 10) Ҳайдаробод, 11) Гуанчжоу, 12) Аҳмадобод

Давлатлар	Жавоб рақамлари
Хитой	
Ҳиндистон	

Жавоби:

Давлатлар	Жавоб рақамлари
Хитой	1, 2, 5, 7, 8, 11,
Ҳиндистон	3, 4, 6, 9, 10, 12

37. Шаҳарлар агломерацияларининг ўзаги вазифасини бажарадиган жавоблардан қайсилари тўғри?

А) миллионэр шаҳарлар В) муҳим транспорт марказлари ва савдо тугунлари
С) йирик дэнгиз портлари Д) пойтахтлар

Жавоби: _____ **Жавоби: В, С, Д**

пойтахтлар, муҳим транспорт марказлари ва йирик дэнгиз портлари

38. Тушириб қолдирилган сўзларни ёзинг

- 1) АҚШ да _____, _____, _____ мегаполислари шаклланган
- 2) Японияда _____ мегаполиси таркиб топган

Жавоби:

- 1) АҚШ да **Босваш, Чипитс, Сансан** мегаполислари шаклланган
- 2) Японияда **Токайдо** мегаполиси таркиб топган


39. Тушириб қолдирилган сўзларни ёзинг

- 1) Шаҳар аҳолиси салмоғининг ўсишига _____ дейилади
- 2) Қишлоқ аҳолиси салмоғининг ўсишига _____ дейилади


Жавоби:

- 1) Шаҳар аҳолиси салмоғининг ўсишига **урбанизация** дейилади
- 2) Қишлоқ аҳолиси салмоғининг ўсишига **рурбанизация** дейилади

40. Жаҳондаги энг йирик шаҳарларни аҳолиси сони камайиб бориши тартиби билан жуфтланг



Жавоби:



2.3. Глоссарий

Аҳоли – маълум ҳудудда яшайдиган кишилар гуруҳи тушунилади. Шу боисдан илмий – географик тадқиқотларда аҳоли ва аҳоли пунктларини атроф муҳит ва хўжалик билан бевосита боғлиқ ҳолда тадқиқ этишади.

Аҳоли географияси – аҳолининг таркиби, динамикаси ва жойлашувидаги регионал тафовутларни ва бу тафовутларни вужудга келтирадиган омилларни, аҳоли ва аҳоли пунктларининг ҳудудий тизимларини ҳамда уларнинг ривожланиш қонуниятларини ўрганади.

Агломерация, аҳоли пунктлари агломерацияси – аҳоли пунктлари, асосан шаҳарлар, шунингдек, қишлоқларнинг интенсив хўжалик меҳнат ва маданий-маиший ҳамда рекреацион алоқалар билан боғланиб, ягона бирликни ташкил қилган компакт ҳудудли гуруҳи.

Аҳоли зичлиги-муайян ҳудудда аҳолининг жойлашув даражаси. Мамлакат ёки бирор ҳудуд (вилоят, туман) аҳоли сонини шу ҳудуд ер майдонига (одатда 1 км. га) тақсимлаш билан ҳисоблаб чиқарилади.

Антропология (грек тилидан – антропос – “инсон”) инсон организмнинг эволюцияси ва ундаги жисмоний ўзгаришларнинг келиб чиқиш қонуниятлари, шунингдек ирқларнинг вужудга келиши ва географик тарқалишини ўрганиб, у аҳоли географияси билан биргаликда аҳоли меҳнат фаолияти турмуш шароити ва маданиятидаги ҳудудий хусусиятларни оўрганади.

Агломерация – аҳоли пунктларнинг бир-бирларига қўшилиб кетиб, улкан шаҳар, ягона иқтисодий ҳудуд ҳосил қилиши. Агломерацияларда аҳоли зич ўрнашган, хилма-хил ишлаб чиқариш тармоқлари, хусусан саноат корхоналари, илмий ва ўқув муассасалари тўпланган бўлади

Аҳоли миграцияси - аҳолининг яшаш жойини ўзгартириши билан боғлиқ кўчиши.

Аҳолининг миллий таркиби - муайян ҳудуд ёки мамлакатда яшовчи аҳолининг миллатлар бўйича таркиби.

Аҳолининг табиий ўсиши - маълум давр ичида туғилганлар ва ўлганлар сони ўртасидаги фарқ.

Иммигрантлар - (лот. «иммигранс»-кўчиб келувчи) бир давлатдан бошқа бир давлат ҳудудига доимий ёки узоқ вақт истиқомат қилиш учун кўчиб келган фуқаролар.

Ишсизлик - бир қисм иқтисодий фаол аҳолининг ўзига лойиқ иш топа олмасдан қолиши ва меҳнат заҳирасига айланиши.

Меҳнат ресурслари - мамлакат аҳолисининг меҳнатга лаёқатли ёшдаги қисми, иқтисодий ресурсларнинг таркибий унсури; 16 ёшдан 55 ёшгача бўлган аёллар, 60 ёшгача бўлган эркеклар меҳнат ресурсларига киритилади.

Миллат - узоқ давом этган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва этномаданий жараёнда, аниқ ҳудудий доирада, тил ва ўзликни англаш бирлиги асосида шаклланган халқ этник тарихининг энг юксак чўққиси, ўзига хос маданият, онг ва менталитет заминида таркиб топган ижтимоий бирлик шакли.

Шаҳар аҳолиси - асосан, саноат, савдо, шунингдек, хизмат кўрсатиш, бошқарув, фан ва маданият соҳаларида банд бўлган йирик аҳоли пункти.

Эмиграция - кишиларнинг доимий ёки вақтинча яшаиш учун ўз ватанидан бошқа мамлакатларга кўчиб кетиши. Эмиграцияда қатнашган аҳоли эмигрантлар деб аталади.

Иммиграция - кишиларнинг узоқ муддатга доимий ёки вақтинча яшаиш учун бирон бир мамлакатга бошқа давлатлардан кўчиб келиши. Иммиграцияда қатнашган аҳоли “иммигрантлар” дейилади.

Реэмиграция - кишиларнинг узоқ муддатга доимий ёки вақтинча яшаиш учун ўз ватанидан бошқа мамлакатга кўчиб кетиб, муайян муддатдан сўнг яна қайтиб кўчиб келишидир. Реэмиграцияда қатнашган кишилар “реэмигрантлар” дейилди.

Доимий миграция - аҳолининг узоқ муддатга (бир йилдан ошiq) бир жойдан иккинчи бир жойга кўчиб яна қайтишидир.

Мавсумий миграция - аҳолининг маълум бир вақтга (мавсумга) бир жойдан иккинчи бир жойга кўчиб яна қайтишидир.

Тебранма миграция - аҳолининг бир жойдан иккинчи бир жойга ҳар куни ёки ҳар ҳафтада бориб қайтиши

Урбанизация – (лотинча урбус – “шаҳар”) – шаҳарлашиш, аҳоли ва ишлаб чиқаришнинг катта миқдорда шаҳарларда тўпланиши, яъни шаҳарларнинг ўсиши ва кўпайиши. Бу жараён фан-техника инқилоби даврида кескин кучайиб, шаҳар аҳолисининг кўпайишига, шаҳар турмуш тарзининг кенг тарқалишига сабаб бўлади

Шаҳар агломерациялари – турли катталиқдаги шаҳарларнинг маъмурий, ишлаб чиқариш, ижтимоий, маданий алоқалар натижасида бирлашуви.

Англияда агломерациялар **конурбация** (лотинча сон – “бирга”, урбус – “шаҳар”), АҚШда **метрополис** (грекча метрополис – “асосий шаҳар, марказ”) деб номланади.

Мегалополис (грекча мегалу – “катта”, полис – “шаҳар”) – йирик шаҳарлар ва шаҳар агломерацияларининг бир-бирига қўшилиб кетиши.

Рурбанизация (инглизча рурал – “қишлоқ”) – шаҳар ҳаёт тарзининг қишлоқларга кириб бориши.

Субурбанизация – шаҳар атрофидаги манзилгоҳлар аҳолиси сонининг шаҳар аҳолиси ҳисобига ортиб кетиши.

ХУЛОСА

Олиб борилган тадқиқот натижалари қуйидаги хулосалар чиқаришга имкон берди:

1. Тестлар тузиш фан ўқитувчилари олдидаги энг мураккаб вазифалардан бири. Уни тузишда профессионал касб маҳорати, катта илмий тажриба, чуқур билим талаб этилади.

2. Тест тузиш жараёнида ўқувчиларнинг синфи, ёши, билим савияси, кўникмаси албатта ҳисобга олиниши шарт. Ўқувчиларнинг ёши ва қайси синфда ўқиши катта ўрин тутди. Шунинг учун тестларни тузиш жараёнидан юқоридагиларни ҳисобга олиш талаб этилади.

3. Тестларни тузиш жараёнида бир хилликдан қочиш, статистик маълумотларга “ётиб олиш” дан сақланиш зарур. Мумкин қадар, география фанининг назарий-фундаментал масалаларига бағишланган мавзулардан тузиш, соддадан мураккабга томон кетиш тавсия этилади.

4. Тестлар дарсликлар бўйича, айниқса, ўқувчилар ўқиган йиллар ҳисобга олиб тузилиши керак. Негаки, улар ўзлари ўқимаган дарсликлар бўйича берилган тестларни ўзлаштириш даражаси жуда паст бўлади. Бу эса кўзланган натижага олиб келмайди. Айримлар фикрича, ўқувчи тестдан паст балл йиғиши керак. Бизнингча, ўқувчи тестлардан паст балл олмай, ҳафсаласи пир бўлмай, аксинча юқори баллар йиғиб, юқори бали бўйича фахрланиб, келгуси ҳаётларида мана шу фанга янада меҳр-муҳаббати ортиб бориши зарур.

5. Тестлар тузиш жараёнида стандарт тест саволлари, яъни дарсликлар текстидан ташқари, ностандарт тест саволларига, яъни расмларга, жадвалларга, харита-схемаларга, чизмаларга, иловаларга ҳам эътибор бериш, лозим деб ҳисоблаймиз. Чунки, улар мана шу мавзунини очиқ беришда кўмакчи ҳисобланади.

6. Географик харита ва улардан ҳам кенг фойдаланиш тавсия этилади. Маълумки, харита географиянинг “иккинчи тили” ҳисобланади. Шундай экан

улардан тестлар тузиш орқали ўқувчиларни фанга бўлган қизиқишларини янада орттириш мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

I. Раҳбарий адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: Ўзбекистон, 1995. -269 б.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. -176 б.
3. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир – Т.: Ўзбекистон, 2015. – 304 б.

II. Меъёрий- ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т., 2014.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил. 9-сон, 225-модда.
3. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил. 11-12-сон, 295-модда.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги “Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги №3-сонли Қарори.

III. Махсус адабиётлар:

1. Абдуқодиров А.А., Астанов Ф.А., Абдуқодирова Ф.А. “Кейс-стади”: назария, амалиёт ва тажриба. – Т.: Тафаккур қаноати, 2012. – 132 б.
2. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: Молия, 2003. – 192 б.
3. Азизходжаева Н.Н. Ўқитувчи мутахассислигига тайёрлаш технологияси. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2000. – 52 б.

4. Асқарова Ў.М., Ҳайитбоев М., Нишонов С.М. Педагогика. – Т.: Талқин, 2008.– 287 б.
5. Болтаев М.Ж. Чет мамлакатлар иқтисодий географияси. Маърузалар матни. -Т., 2000.
6. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог - ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008. – 180 б.
7. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог - ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2010. – 142 б.
8. Назаров М., Тожиева З. Ижтимоий география. -Т., «Университет», 2003.
9. Йўлдошев Ж.Ғ., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари. – Т.: РТМ, 2004. – 104 б.
10. Солиев А., Қаршибоева Л. Иқтисодий географиянинг назарий ва амалий масалалари. - Т., 1999. -181б.
11. Солиев А., Аҳмедов Э., Маҳаммадалиев Р. ва бошқ. Минтақавий иқтисодиёт. Ўқув қўлланма. - Т.: Университет, 2003. -354 б.
12. Солиев А.С. Худудий мажмуаларнинг назарий асослари. Ўқув қўлланма. - Т.: Университет, 2007. - 56 б.
13. Солиев А.А. Иқтисодий география: назария, методика ва амалиёти //Танлаган асарлар. Масъул муҳаррир: О.Б.Ата-Мирзаев. – Т.: Камалак, 2013. – 184 б.
14. Социально-экономическая география зарубежного мира. Под ред. В.В.Волского. –М., 2003.
15. Топилдиев В.Р. Таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этишнинг меъёрий - ҳуқуқий асослари. –Т., 2015. – 164 б.
16. Ҳасанова М.Ғ., Аҳмедова Н.Ш. География дарсларида инновация технологияларидан фойдаланиш // География таълими ва услубининг долзарб

муаммолари. Республика илмий - услубий анжумани материаллари. – Қўқон. 2008. -Б.64-66.

17. Энциклопедия педагогических технологий. – М.: Владос, 2005. – 463 с.

18. Қаюмов А.А. ва бошқ. Иқтисодий ва ижтимоий география (Марказий Осиё иқтисодий-ижтимоий географияси). – Т.: 2012.

19. Қаюмов А.А. ва бошқ. Минтақавий иқтисодиёт. – Т.: Университет, 2008.

20. Қаюмов А.А., Якубов Ў. Аҳоли географияси демография асослари билан. – Т., 2009.

21. Қаюмов А.А., Сафаров И., Тиллабоева Т. Жаҳон мамлакатлари иқтисодий-ижтимоий географияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.

22. Жаҳон мамлакатлари иқтисодий-ижтимоий географик атласи. – Т.: Картография, 2015.

23. Қодиров Р.Б., Рўзиева Х. География фанидан амалий машғулотларни бажариш бўйича айрим тавсиялар. – Т.: Фарзай, 2012. - 102 б.

24. Қодиров Р.Б., Ҳамдамов И. География фанидан тестлар тузиш ва улардан фойдаланиш методикаси. – Т.: Наврўз, 2015. - 300 б.

25. Қодиров Р.Б. Фарғона минтақаси ва меҳнат ресурслари. – Т.: Наврўз, 2016. -170 б.

Электрон ресурслар

www.gov.uz

www.infocom.uz

www.press-uz.info

www.xabar.uz

www.ziynet.uz

www.UzReport.uz